# Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони

# Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

## Фармонга кўра



2021 **йил август ойида** “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг **18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанди учун 500 минг сўм миқдорида бир марталик моддий** ёрдам кўрсатилади.

## **Фармонга кўра**




“Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг давлат ОТМларида таълим олаётган фарзандларига **2021/2022 ўқув йилида биринчи ўқув йили учун тўлов-контрактнинг тўлиқ суммаси қоплаб** берилади.

## Шунингдек



“Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилалар фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриши учун **33 миллион сўмгача гаровсиз кредит** ажратилади.



Ипотека дастури доирасида бошланғич бадал ва фоиз тўловлари бўйича қўшимча **2 мингта ёш оилага уй-жой сотиб олиши учун субсидия** ажратилади.

## Фармонга кўра



2021 йил 1 сентябрдан республикадаги ОТМда тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар учун Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси миқдорида ва ўқиш муддати тугагандан кейин **еттинчи ойдан бошлаб 7 йил муддатда қайтариш шартлари асосида таълим кредитлари** берилади.

## Фармонга кўра



“Давлат органлари ва ташкилотларида ишлаётган нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори **500 талик рўйхатига киритилган хорижий ОТМларини тамомлаган ёки уларда илмий даража** (PhD ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даража) олган ёш мутахассисларнинг лавозим маошига **қўшимча устамалар** тўлаб бориш тартиби жорий этилади.

## Фармонга кўра

Ойлик устамалар **2021 йил 1 октябрдан бошлаб** Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, иш берувчи ва ёш мутахассис билан **3 йилгача бўлган муддатга** тузилган шартнома асосида ёш мутахассиснинг лавозим маошига қўшимча равишда **ҳар ой тўлаб борилади**.





## 2021 йил 1 сентябрдан

Фармон билан **2021 йил 1 сентябрдан** Тошкент шаҳрида **Ёшлар бизнес мактаби**, 2022 йилдан бошлаб барча ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилади.

## Шунингдек



**2021 йил 1 октябрдан** ёшларнинг **“Бизнесга биринчи қадам”** стартап ғоялари танловлари ташкил этилади ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарда **камида уч нафардан ғолибга грантлар бериш амалиёти жорий** этилади.

## Фармонга кўра

Энг яхши лойиҳаларнинг ҳар бири учун **БҲМнинг** 200 **бараваригача грант маблағлари** берилади.





## 2021/2022 ўқув йилидан

босқичма-босқич умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал ва ОТМларда ахборот технологиялари дарслари **Кембриж дастури** асосида ўтказилади.

## 2021 йил 1 сентябрдан




Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва республика чемпионатларида

**охирги 5 йилда ғолиб**

**ва совриндор (1-3 ўрин)** бўлган, шунингдек, олис ва чекка ҳудудларда ишлаётган спортчи-тренерларга:

## 2021 йил 1 сентябрдан



• спорт тўгаракларини ташкил этиш учун туман ва шаҳарларда бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда, ушбу объектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорида ижарага берилади;

• спорт инвентарлари, буюмлари ва жиҳозларини харид қилиш учун субсидиялар ажратилади;

## 2021 йил 1 сентябрдан

- камида 100 нафар ёшларни мунтазам спорт билан шуғулланишини ташкил этган тақдирда БҲМнинг 10 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳар ойлик тўлов жорий этилади.



## 2021 **йил** 1 **октябрдан**



ҳар йили **“Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб”** танлови ташкил этилади.



## Танловда ғолиб деб топилган муаллифларга:







- биринчи ўрин учун – **100 миллион сўм**;
- иккинчи ўрин учун – **75 миллион сўм**;
- учинчи ўрин учун **– 50 миллион сўм**

  мукофот маблағлари ажратилади.



# Эътиборингиз учун раҳмат!